

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 69-ҳадис

69 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ، أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки инсон вафот этса, амали кесилади. Фақат уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Мусулмон киши дунёда яхши из қолдиришга ошиқади. Охиратда манфаат берадиган нарсани дунёда амалга оширади. Масалан, вафотидан кейин ҳам фойдали ишлари давом этиши учун мол-мулкдан садақа улашади. Ёки одамлар ўзаро дарс қилиб манфаат олиши учун фойдали илм қолдириб кетади. Ёки ортидан дуо қилиб туриши учун фарзандини салоҳият ва таквода ўстиради.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ўлган кишига вафотидан кейин ҳам юқоридаги уч нарсада савоб етиб туради.
2. Майитнинг номидан садақа улашилса, унинг савоби етиб туради.
3. Садақаи жорияга масжид ёки мадраса қуриш каби кўпчилик манфаатланадиган ишларни амалга ошириш киради.
4. Манфаатли илм сирасига эса -илм талабидаги ёшларга таълим бериш, Қуръон ёдлатиш ва мусулмон уммати учун фойдали китоблар нашр қилдириш киради.
5. Солиҳ фарзанд ота ортидан қоладиган мевадир, унинг бу оламдаги қолдирган асари, изидир. Шу сабаб таълим ва тарбияни гўзал қилиш керак, аҳамиятли бўлмоқ лозимки, токи фарзанд солиҳ бўлсин, хайрли эзгу ишларни давом эттирувчи, ота вафот этиб кетгач, ортидан дуо қилгувчи, садақотлар бергувчи инсон бўлсин.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI